

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРРАМОВ УЛУҒБЕК ХОЛМАМАТОВИЧ

**ТАКРОРИЙ ЭКИШ МУДДАТИДА ПЕКИН КАРАМИНИНГ
СЕРҲОСИЛ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Хуррамов Улуғбек Холмаматович

Такрорий экиш муддатида пекин карамининг серҳосил навларини
танлаш ва етиштириш технологиясининг асосий элементларини
ишлаб чиқиш..... 3

Хуррамов Улуғбек Холмаматович

Подбор высокоурожайных сортов пекинской капусты и разработка
основных элементов технологии выращивания в повторной культуре.. 19

Khurramov Ulugbek Kholmamatovich

Elaboration of the main elements of producing technology and selection
of high productive varieties of brassica pekinensis for recurrent planting
period..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРРАМОВ УЛУҒБЕК ХОЛМАМАТОВИЧ

**ТАКРОРИЙ ЭКИШ МУДДАТИДА ПЕКИН КАРАМИНИНГ
СЕРҲОСИЛ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx282 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асатов Шухрат Исматович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арамов Музаффар Ҳашимович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Муртазаев Қобилжон Абдуқодирович

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик
илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 26. IX соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (538323-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил 10. IX куни тарқатилди.
(2019 йил 15. VIII даги № 4 - рақамли реестр баённомаси).



Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда дунёнинг кўпгина давлатларида пекин карамини етиштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Пекин карамини етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Дунёда пекин карам етиштирилаётган майдонлар 4,1 млн. гектар, ўртача ҳосилдорлик гектаридан 47,2 тонна ҳамда ялпи ҳосил 193,0 млн. тоннани ташкил этмоқда. Ҳозирги вақтда пекин карам асосан Хитой (2,2 млн/га), Ҳиндистон (511,6 минг/га), ва Россия Федерациясида (171,7 минг/га) етиштириб келинмоқда.¹ Такрорий экин сифатида пекин карамини етиштиришда самарали агротехнологияларни қўллаш орқали ушбу экин ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёнинг қатор мамлакатлари илмий-тадқиқот марказларининг олимлари тамонидан пекин карамнинг (*Brassica rapa subsp. pekinensis*. Lizg.) янги навларини яратиш устида кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу мамлакатларда пекин карамнинг янги навлари яратилиб, етиштириш технологиялари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмоқда. Хориж олимлари пекин карамнинг касалликларга ва об-ҳаво ноқулайликларига чидамли, серҳосил, эртапишар, маҳсулот сифати юқори бўлган, шу билан бирга турли мавсумларда экишга яроқли бўлган навларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ушбу мамлакатларда пекин карамини интродукция қилинган ва уларнинг янги, маҳаллий шароитга мос навлари яратилиб, етиштириш технологиялари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмоқда ҳамда такрорий экинлардан олинадиган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг юқори бўлиши таъминланмоқда.

Республикамызда сўнги йилларда аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сабзаёт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва сабзаёт маҳсулотлари асортиментини кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида охириги йилларда халқимиз учун ноанъанавий янги сабзаёт экинларини интродукция қилишга эришилди. Лекин, янги интродукция қилинган пекин карамини каби ноанъанавий сабзаёт экинларининг серҳосил нав ва дурагайлари танланмаган ҳамда етиштириш технологияси бўйича илмий тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...кишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзаёт ва узум етиштиришни кўпайтириш» муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган.² Ўзбекистонда пекин карамини етиштириш бўйича фундаментал илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги ҳамда

¹<http://fao.ru>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

илмий асосланган тавсиялар етарли бўлмаганлиги сабабли у кичик майдонларда етиштирилмоқда. Шу боисдан бу экиннинг озикалик ва дориворлик хусусиятларини ўрганиш, республиканинг тупроқ-иқлим шароитига мос серхосил нав ва дурагайлари танлаш ҳамда уларни етиштириш технологиясининг асосий элементларини ишлаб чиқиш, фермер хўжаликлари ва аҳоли ўртасида оммалаштириш, бугунги кунда сабзаотчилик соҳасининг муҳим ва долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3027-сонли «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3230-сон «2018 йил ҳосили учун август пиёзи ва саримсоқпиёз, ҳамда тўксонбости усулида сабзаот экинларини жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва 2019 йил 29 мартдаги 259-сон «2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори, ҳамда бошқа меъерий хўжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга олиб борилган илмий тадқиқот натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пекин қарами Европа мамлакатларида, Россия Федерациясида, Америка Қўшма штатларида, бошқа давлатлар ҳамда қитъаларга таққосланганда тўлиқ ўрганилган. Ушбу экин тури бўйича Т.В.Лизгунова, А.Н.Ничипорович, Е.Н.Сагалович, Г.Г.Каплина, И.Е.Китаева, R.Sally, В.Ф.Пивоваров, M.Magnusson, Г.И.Тараканов, А.Т.Лебедева, З.В.Сыч, А.В.Солдатенко, Н.А.Колпаков, Л.Л.Бондарева, С.Г.Монахос, Jan Borowski, шунингдек, Жанубий Шарқий Осиёнинг Хитой, Корея ва Япония давлатларида С.С.Кuo, Yu.Quang-Hiu, Xie Jian-Zhi лар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда бу сабзаот экин турини етиштириш бўйича фундаментал ёки амалий тадқиқотлар олиб борилмаганлигини ҳисобга олиб, пекин қарамининг серхосил нав ва дурагайлари синаш, мақбул экиш муддатлари ва схемаларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлар режасининг «Ўзбекистонда сабзаотлар

турларини етиштиришнинг янги технологияларини илмий асослаш ва такомиллаштириш», Жанубий Корея давлатини «КОPIA Uzbekistan» марказининг «Баҳорги, ёзги ва кузги Корес (Пекин) карамини Ўзбекистонга мослашувчанлигини ва етиштириш агратехнологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги халқаро амалий лойиҳаси (2015-2017 й.й.) ва КХА-8-100-2015 «Ўсимликлар генофондининг вегетатив ҳолда кўпаювчи экинларини тирик ҳолда ушлаб туриш, эски уруғлар унувчанлигини қайта тиклаш ва ўрта муддатда Генбанкда кафолатли сақлаш» (2015-2017 й.й.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республиканинг марказий иқлим шароитида такрорий экиш муддатларида пекин карамининг серҳосил нав ва дурагайларини танлаш, энг қулай экиш муддатларини ва мақбул озикланиш майдонини, кўчат қалинлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

такрорий муддатда пекин карамини серҳосил нав ва дурагайларини танлаш;

такрорий муддатларда пекин карамининг энг қулай экиш муддатларини аниқлаш;

пекин карамининг энг мақбул озикланиш майдони ва ўсимликлар қалинлигини аниқлаш;

такрорий муддатда ўрганилган пекин карами нав намуналарининг, қулай экиш муддатлари ва озикланиш майдони ҳамда ўсимликлар қалинлиги кўрсаткичларининг вариация коэффициенти, корреляция коэффициенти аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пекин карамининг 10 та: Хибинская, Бокал навлари ва Jang Won F₁, Seo Jin F₁, Ча-ча F₁, Юки F₁, Monoko F₁, Koraenge F₁, Chunchuubai F₁, Za Jiao F₁ дурагайлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб такрорий муддатларда экишга яроқли бўлган серҳосил пекин карамининг нав ва дурагайларини морфолик, биологик ва хўжалик белгиларини ўрганиш ва аниқлаш, 5 та экиш муддати, 7 та экиш схемалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаларини ўтказишда В.Ф.Беликнинг «Методика полевого опыта в овощеводстве и бахчеводстве» ва «Методика физиологических исследований в овощеводстве и бахчеводстве», Б.Ж.Азимов., Б.Б.Азимовларнинг «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси» услубий қўлланмалар асосида олиб борилди. Маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А. Доспехов кўрсатган дисперсион услуб асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республиканинг марказий иқлим шароитида такрорий муддатларда пекин карамининг 10 та нав ва дурагайларининг морфо-биологик ҳамда хўжалик белгилари аниқланган;

пекин карамини такрорий экиш муддатларида етиштиришда ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш босқичлари юқори бўлган ҳаво харорати ва нисбий намлиги кам бўлган шароитларда ўтиши аниқланган;

такрорий экиш муддатларда синалган дурагайлари ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича тажрибада фойдаланилган навлардан устунлиги исботланган;

пекин карамини Тошкент вилояти тупроқ иқлим шароитида август ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлиги, энг самарали экиш муддати эканлиги аниқланган;

такрорий муддатларда ўсимликларнинг озикланиш майдони ва кўчат қалинлиги билан ҳосилдорлик ўртасидаги корреляция боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

такрорий экиш муддатларида пекин карамини нав ва дурагайлари танланиб, улардан юқори ҳосил олинган;

дурагайлар, навлардаги барглари сони, карам бошларининг ўртача вазни ва ҳосилдорлиги бўйича устунлиги белгиланган;

пекин карамини такрорий муддатларда август ойининг I ун кунлигида экиш илмий асосланган;

ўсимликлар 70×40 см схемасида экилганида энг қулай озикланиш майдони белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала тажрибалари мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келганлиги, ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган ҳулосаларнинг мослиги, тажриба натижалари халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий, маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пекин карамини такрорий экиш муддатларида республиканинг иссиқ, қуруқ иқлим шароитига мослашган серҳосил нав ва дурагайлари танланганлиги, уларни энг қулай экиш муддатлари ўсиш ва ривожланиш босқичларини ўтиши ўрганилганлиги, ушбу экин турининг қулай озикланиш майдони ва шартли майдон ҳисобига жойлаштириладиган энг мақбул кўчат қалинлиги белгиланганлиги, ўсимликларнинг муҳим қимматли белгилари ўртасида корреляцион боғлиқликлар борлиги ва улар исботланганлиги тадқиқотнинг илмий аҳамиятини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти такрорий муддатда етиштириш учун пекин карамининг серҳосил нав ва дурагайлари, энг қулай экиш муддатлари, экиш схемалари, ўсимликнинг энг мақбул озикланиш

майдони танланганлиги ҳамда илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ва фермер хўжаликларда жорий этилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Такрорий экиш муддатларида пекин карамининг етиштириш технологиясини асосий элементларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Такрорий экин сифатида пекин карамини етиштириш бўйича амалий тавсиянома» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-39-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида пекин карамини етиштиришда амалий қўлланма сифатида хизмат қилган;

танлаб олинган пекин карамининг серхосил Бокал нави ва Seo Jin F₁, Jang Won F₁, Monoko F₁, дурагайларини Тошкент вилоятининг Қибрай тумани «Зафаробод агро продукт», «Хуршид Наима агро», «Қибрай Салар Файз» сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларда жами 2,15 гектар, ва Андижон вилоятининг Мархамат тумани «Сифат агро сервис» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) да, «Мирож» фермер хўжаликларида жами 0,32 гектар, ҳамда Самарқанд вилоятининг Ургут тумани «Каримов Раҳмон диёри» фермер хўжалигида 0,14 гектар майдонларда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-39-сонли маълумотномаси). Натижада ҳар бир фермер хўжалигида пекин карамини Seo Jin F₁, Jang Won F₁, Monoko F₁, дурагайларидан ва Бокал навидан 54,2-94,0 т/га ҳосил олинган, қўшимча ҳосилдорлик ўртача 0,2-10,3 т/га ни ташкил этиб, рентабеллик -8 % га юқори бўлганлиги аниқланган;

пекин карамининг энг қулай экиш муддатлари Тошкент вилоятининг Қибрай тумани «Хуршид Наима агро», «Қибрай Салар Файз» сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида жами 1,8 гектар, ва Андижон вилоятининг Мархамат туманида «Сифат агро сервис» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) да ва «Мирож» фермер хўжаликларида жами 0,26 гектар, ҳамда Самарқанд вилоятининг Ургут тумани «Каримов Раҳмон диёри» сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжалигида жами 0,13 гектар майдонларда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-39-сонли маълумотномаси). Натижада ҳар бир фермер хўжалиги пекин карамини энг қулай экиш 20 август, 1 сентябр муддатларида эса ўртача ҳосилдорлик 31,6 т/га олинди, қўшимча ҳосилдорлик ўртача 0,3-7,4 т/га, рентабеллик эса - 11 % га юқори бўлишига эришилган;

пекин карамининг энг мақбул экиш схемаси 70×40 см, 70×45 см ва озикланиш майдони бўйича ишланма Тошкент вилоятининг Қибрай тумани «Зафаробод агро продукт», «Темир қадам Носиров Абдирайм» сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида жами 1,35 гектар, ва Андижон вилоятининг Мархамат туманида «Сифат агро сервис» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) да ва «Мирож» сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида жами 0,33 гектар, ҳамда Самарқанд вилоятининг

Ургут тумани «Каримов Раҳмон диёри» сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжалигида 0,22 гектар майдонларда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-39-сонли маълумотномаси). Натижада ҳар бир фермер хўжалигида пекин карамини такрорий муддатда энг қулай схемалар (70×40 см, 70×45 см) 2016-2017 йиллар мобайнида жорий қилинганда 28,4-37,3 т/га ҳосил олинган, кўшимча ҳосилдорлик ўртача 1,9-8,1 т/га ни ташкил этиб, рентабеллик -13 % га юқори бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, республика нашрларида 2 та мақола ҳамда 1 та тавсиянома нашир этилган.

Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Пекин (*Brassica rapa subsp. pekinensis*. Litzg.) карамининг келиб чиқиши, озиқалик аҳамияти ва етиштиришга оид илмий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритилган. Пекин карамининг ботаник келиб чиқиши, классификацияси, пекин карамининг озиқалик аҳамияти, дунёда пекин карамини янги навларининг яратилиши, унинг таснифлари, турли нав ва дурагайларининг ўрганилганлик ҳолати, турли минтақа ва давлатларни тупроқ иқлим шароитида экиш муддатларининг ўсимлик ривожига ўрни, озиқланиш майдонларини белгиловчи схемалари, унинг ташқи муҳит шароитига талабчанлиги ёритилган. Таҳлилининг сўнгги саҳифасида мавзуга оид дунёда ва республикада бажарилаётган ишлар ҳамда

уларнинг аҳамияти тўғрисида хулосалар келтирилган. Мавжуд маълумотларга таяниб, диссертация олдиға қўйилган мақсад ва вазифалар шакллантирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароити, услуби ва объекти» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказиш жойи, тупроқ иқлим шароити, тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, объекти, ўтказиш услуби, тажрибалар олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «Пекин карамининг серҳосил нав ва дурагайларини танлаш» деб номланган учинчи бобида пекин карамининг нав ва дурагайларини ўрганиш ва хўжалик белгилари бўйича тажрибалар натижаси келтирилган.

Учинчи бобнинг «Пекин карамининг нав ва дурагайларини ўсиши ҳамда ривожланиши» ва «Пекин карами нав ва дурагайларининг ҳосилдорлиги» деб номланган биринчи ҳамда иккинчи бўлимларида пекин карамининг 2 та нав ва 8 та F_1 дурагайлари такрорий муддатда экиб ўрганилганлиги ёритилган. Стандарт сифатида «Хибинская» нави танлаб олинди. Ўрганилган навлар ва дурагайлардан, 4 таси Хитойдан, 2 таси Россиядан, 2 таси Япониядан, 1 таси Голландиядан, 1 таси Жанубий Кореядан келтирилган.

Пекин карами Ўзбекистон учун янги, ноанъанавий экин тури бўлганлиги ҳамда бу экинни Ўзбекистонда етиштириш технологияси ишлаб чиқилмаганлиги сабабли бу экинни ўрганиш учун асосан хорижий давлатлардан келтирилган F_1 дурагайлари Хибинская навиға таққослаб ўрганилди. Пекин карами ўсимлиги карамдошлар оиласига мансуб экин бўлганлиги сабабли, уни экиш учун тавсия этилган мақбул муддат танлаб олинди, ҳамда пекин карам нав ва дурагайларини ўрганиш учун уруғлари, кўчат тайёрлаш мақсадида 10 июлда экилди.

Пекин карамининг Seo Jin F_1 , Monoko F_1 , Koraenge F_1 , дурагайларида биринчи терим кўчат экилгандан сўнг 58-72 кун ўтгач амалға оширилган бўлса, қолган дурагайларда биринчи ҳосил 75-90 кунда йиғиб олинди (1-жадвал).

Битта ўсимликдаги барглар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Jang Won F_1 , Koraenge F_1 , Za Jiao F_1 , Seo Jin F_1 , Chunchyubai F_1 , Monoko F_1 , Юки F_1 , дурагайларида (28,1-31,8 дона) бўлди. Бу стандарт навға нисбатан 115,2-130,3% кўп бўлди.

Ўсимликлардаги энг узун барглар таққосланганда Jang Won F_1 , Monoko F_1 , дурагайларда бу кўрсаткич 37,2-39,6 см ёки стандартға нисбатан 2,6-5,0 см узунлиги аниқланди. Энг юқори барг юзалари ўлчамига синовда қатнашган Jang Won F_1 , Seo Jin F_1 , Chunchyubai F_1 дурагайлари эға бўлдилар ва стандартдан 61,1-78,8 дм² ёки 165,2-184,0% га устунлиги аниқланди. Синалган нав ва дурагайларда ўсиш ва ривожланиш босқичларни ўтиш давомийлиги, барглар сони ва уларнинг ўлчамлари турлича бўлиши

натижасида турлича вазндаги карамбошлар шакллантиришди. Seo Jin F₁, Monoko F₁, Jang Won F₁, дурагайлари стандарт Хибинская навига нисбатан 1,21-1,26 кг га йирик бўлган карамбошлар ўради.

1-жадвал.

Такрорий муддатларда ўстирилган пекин карами нав ва дурагайларнинг ўсув даври, баргланиши, карамбошларнинг ўртача вазни ва ҳосилдорлиги, (2015-2017 й.й.).

Нав ва дурагайлар	Кўчаг экилгандан биринчи теримгача, кун	Барглар узунлиги, см	Барг юзаси, дм ²	Карамбошларни ўртача вазни, кг	Ҳосилдорлик, т/га				Стандартга нисбатан кўшимча ҳосил	
					2015 йил	2016 йил	2017 йил	ўртача	т/га	%
Хибинская, st.	90	34,6	93,7	0,86	35,8	34,9	35,2	35,3	-	100
Бокал	75	33,4	82,6	1,46	64,3	62,9	63,6	63,6	28,3	180,2
Jang Won F ₁	83	39,6	172,5	2,07	85,8	86,6	88,4	86,9	51,6	246,2
Ча-ча F ₁	86	32,0	110,5	1,22	51,6	48,5	51,4	50,5	15,2	143,0
Юки F ₁	89	29,7	128,6	1,35	53,2	55,5	55,2	56,3	21	159,5
Seo JinF ₁	58	35,9	164,4	2,12	93,7	92,5	92,8	93,0	57,7	263,4
Monoko F ₁	72	37,2	132,2	2,09	88,4	90,5	90,2	89,7	54,4	254,1
Koraenge F ₁	72	29,3	147,5	1,88	78,9	79,4	77,6	78,6	43,3	222,7
Chunchyubai F ₁	87	35,1	154,5	1,76	75,7	75,6	78,9	76,7	41,4	217,3
Za Jiao F ₁	80	35,3	133,6	1,61	69,5	69,7	71,4	70,2	34,9	198,9
ЭКТФ 05 т/га		1,64		0,18	1,38	1,32	1,49	1,39		
Sx,%		3,79		2,6	1,99	1,90	2,11	1,99		


Ўрганилган нав ва дурагайларнинг ҳосилдорлиги, ҳамда ҳосил сифати жиҳатидан ҳар хил эканлиги маълум бўлди. Карам бош ўрашни эрта бошлаган Seo Jin F₁, Monoko F₁, Jang Won F₁ дурагайларда эртаги ҳосил миқдори энг юқори бўлди. Уларда стандарт навга нисбатан 14,3-18,4 т/га ёки 313,4-374,6% га кўшимча эртаги ҳосил олинди. Энг кам эртаги ҳосил стандарт Хибинская навига (6,7 т/га) бўлди.

Умумий ҳосилдорликдаги эртаги маҳсулот улуши синалган дурагайларда 24,5-29,3% ташкил этганлиги аниқланди. Бу кўрсаткич бўйича Ча-ча F₁ 27,7%, Юки F₁ 29,3% гектаридан ҳосил олинди ва стандартдан устунлиги сезиларли даражада бўлди.

Такрорий муддатда етиштирилган пекин карами нав ва дурагайлари бўйича энг юқори ҳосилдорлик Seo Jin F₁, Monoko F₁, ва Jang Won F₁ дурагайларида кузатилди (86,9-93,0 т/га). Ушбу дурагайларнинг умумий ҳосилдорлиги стандарт навга нисбатан 246,2-263,4% юқори бўлганлиги аниқланди.

Хитой дурагайларидан Jang Won F₁, Seo Jin F₁, Za Jiao F₁ умумий ҳосилдорликдаги энг юқори товарбоп маҳсулот 88-89,5% ни ва аксинча

Россия ва Япония селекциясига мансуб Хибинская, Ча-ча F₁ нав ва дурагайлари 84-85% товарбоп маҳсулот тўплаши аниқланди (1-расм).



1-расм. Синалган пекин карами нав ва дурагайларининг товарбоп ҳосили миқдори, т/га (2015-2017 й.й.).

Пекин карамининг Koraenge F₁, Chunchyubai F₁, Seo Jin F₁, дурагайлари ва Хибинская нави энг кам нитратлар (101-111 мг/кг) тўпладилар. Аксинча Бокал нави ва Монок F₁, Za Jiao F₁ дурагайларида нитратлар миқдори (119-247 мг/кг) юкори бўлди.

Монок F₁ ва Seo Jin F₁ дурагайлари ҳар бир гектар майдондан 35 489-38 282 минг сўм соф даромад берди.

Маҳсулот етиштиришнинг рентабеллик даражаси Хибинская навида 32,1% ни ташкил этган бўлса, энг серҳосил деб тан олинган Монок F₁ ва Seo Jin F₁ дурагайларида бу кўрсаткич 180,4-191,4% бўлди.

Серҳосил нав ва дурагайлари жорий қилишдан олинган соф фойда Бокал навида, Ча-ча F₁, Монок F₁ ва Seo Jin F₁ дурагайларида 15 894-33 210 минг сўмни ташкил этди.

Диссертациянинг «Пекин карамининг қулай экиш муддатлари ва схемаларини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида пекин карамининг энг қулай 5 та экиш муддатлари ва 7 та энг мақбул экиш схемаларини аниқлаш ҳамда етиштириш технологиясининг ўрганилган элементларини иқтисодий самарадорлиги бўйича олинган натижалар келтирилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг «Пекин карамининг энг қулай экиш муддатлари билан ўсимликларнинг ҳосилдорлик ўртасидаги корреляцион боғлиқлик» деб номланган биринчи бўлимида, ўтказилган тадқиқотларда пекин карамининг Хибинская нави 5 та экиш муддатларида 1 август, 10 август, 20 август ва 1 сентябр, 10 сентябр кунларида экилиб

синаб кўрилди. Фенологик кузатувларга кўра, турли экиш муддатларида ўсиб ривожланган ўсимликларни вегетация даври турлича бўлиши аниқланди. Биринчи экиш муддатида ўсув даври 105 кун, иккинчи экиш муддатида 107 кун ташкил этган бўлса, 20 августда экилган ўсимликларда ўсув даври 99 кун ёки биринчи муддатга нисбатан 6 кун илгари якунланди.

Энг эрта ҳосил 20 августда экилган вариантда олинди. Бунда кўчат экилгандан 84 кундан кейин биринчи терим ўтказилди.

Биометрик ўлчов натижаларига кўра 3 ва 4 чи экиш муддатларида 35,2-35,6 см узунликка эга бўлган барглар шаклланди ва бу 1 ва 2 экиш муддатларига қараганда 0,8-1,9 см узун бўлди.


Энг йирик барг юзаларини улчами 95,4 дм² 20 августда экилган муддатда ташкил этиб, бу биринчи муддатга қараганда 4,9 дм² ёки 105,4% га йирик бўлган ва охириги муддатдан 20,6 дм² ёки 121,5% га барг юзалари йириклиги аниқланди.

Дастлабки 3 та экиш муддатида шаклланган карамбошлар 0,81-0,85 кг вазнда бўлди, лекин сўнги экиш муддатида уларни вазни фақат 260 гр ни ташкил этди.

Қулай шароитларда ўсган (20 август) ўсимликлар сербарглиги, маҳсулдорлиги ва сифатли товарбоп маҳсулот миқдори (83,2%) билан бошқа экиш муддатларидан ажралиб турди.

Уларнинг умумий ҳосилдорликдаги товарбоп маҳсулот миқдори биринчи вариантдан 6% га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Умумий ҳосилдорликни аниқлаш бўйича ўтказилган ўлчовларда энг юқори ҳосил 20 август экиш муддатида аниқланди. Уларнинг ўртача умумий ҳосилдорлиги биринчи вариантга нисбатан 2,3 тоннага ёки 106,9% юқори бўлди (2-расм).



2-расм. Пекин карамини Хибинская навинининг умумий ҳосилдорлиги, т/га (2015-2017 й.й.).

Диссертациянинг тўртинчи бобининг «Энг мақбул экиш схемаси ва озикланиш майдонининг пекин карами ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири» деб номланган иккинчи бўлимида 7 та; 70×20 см, 70×25 см, 70×30 см, 70×35 см, 70×40 см, 70×45 см ҳамда 70×50 см экиш схемалари ўрганилганлиги баён этилган.

Ўтказилган фенологик кузатишларда озикланиш майдонини 0,140 м² дан 0,350 м² га ортиши ёки кўчат қалинлигини 71,4 минг дона/га дан 28,6 минг дона/га гача камайиши ўсимликларни ривожланишини тезлашганлигини кўрсатди.

Ўсимликлар қалинлиги 71,4 минг дона/га ташкил этган вариантларда карамбошлар 61 кунда шаклланган бўлса, бу назоратга нисбатан 2-3 кун илгари содир бўлганини кўрсатди (2-жадвал).

2-жадвал.

Экиш схемаларининг ўстирилган пекин карами нав ва дурагайларнинг ўсув даври, баргланиши, карамбошларнинг ўртача вазни ва ҳосилдорлигига таъсири (2015-2017 й.й.).

Ўсимликларни жойлашиш схемалари, см	Кўчат экилгандан биринчи теримгача, кун	Барглар узунлиги, см	Бир тулдаги барг юзаси, дм ²	Карамбошларни ўртача вазни, кг	Ўртача умумий ҳосилдорлик, т/га	Стандартга нисбатан кўшимча		Умумий ҳосилдаги товарбоп карамбошлар, %
						т/га	%	
70×20	97	32,0	67,5	0,62	38,2	3,2	109,1	79,0
70×25	94	33,2	85,2	0,74	36,6	1,6	104,6	80,0
70×30 назорат	91	34,8	95,6	0,84	35,0	-	100	82,8
70×35	88	35,2	113,2	0,97	34,6	-0,4	98,8	83,2
70×40	87	37,9	124,5	1,09	34,0	-0,1	97,1	85,9
70×45	85	39,9	153,5	1,15	32,2	-2,8	92,0	88,2
70×50	83	41,8	162,2	1,24	31,4	-3,6	89,7	87,3
ЭКТФ 05 т/га		1,85	3,28	0,34	1,96			
Sx, %		3,58	2,86	5,67	4,02			

Ўсимликлар оралиқларини 20 см дан 25 см гача ортиши карамбошларни шаклланишини 1-2 кунга, 30 см гача кўпайиши 3-4 кунга ва 35 см гача ортиши 4-5 кунга тезлатгани аниқланди.

Энг йирик барг, ўсимликлар қалинлиги 28,6 минг дона/га ни ташкил этган вариантларда аниқланган бўлиб, бу назоратдан 120% га ортиқ бўлди.

Ўсимликларни озикланиш майдонини 0,140 м² дан 0,175 м² га ёки 25% га ортиши барг юзалари майдонини 13,7 % га, озикланиш майдонини 0,245

м² гача ёки 75% га ортиши барг юзасини фақат 27,7% га кўпайтиришини кўрсатди.

Энг йирик ассимиляцион юзага эга бўлган, ўсимликлар қалинлиги 28,6-31,7 минг дона/га ташкил этган майдонларда ўртача вазни жихатдан йирик (1,15-1,24 кг) карамбошлар шаклланди.

Кўчат қалинликларини ортиб бориши билан карамбошларнинг ўртача вазни камайди. Кўчат қалинликлари 47,6 минг дона/га дан 71,4 минг дона/га га ёки 50% ортиши карамбошлар вазнини 35% га камайишига олиб келди.

Энг юқори товарбоп маҳсулот катта озикланиш майдонида (0,315-0,350 м²) ўстирилган ўсимликларда 87,3-88,2% ни ташкил этиб, назоратдан 4,5-5,4 % га ортиқ бўлди.

Умумий ҳосилдорлик 0,140 м² озикланиш майдонида ёки 71,4 минг дона/га кўчат қалинлигини ташкил этган майдонда 38,2 т/га олинди, бу кўрсаткич назоратдан 3,2 т/га га ёки 109,1% юқори бўлди.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг «**Пекин карамини турли экиш муддатларида ва экиш схемаларда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган учинчи бўлимида, пекин карамини Хибинская навини турли муддатларда ва экиш схемаларда етиштиришдан олинган ҳосилдорлик бўйича иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди.

Энг юқори соф даромад 5 018 минг сўм/га 20 августда экилган вариантлардан олинди, унинг кўрсаткичи биринчи вариантга (1 август) нисбатан 2,296 минг сўм/га га ёки 45,7% га юқори бўлди.

Синаб кўрилган экиш муддатлари ичида энг юқори рентабеллик даражаси 20 августдаги экиш муддатларида - 31,8% аниқланган бўлиб, бу биринчи вариантга нисбатан 14,2% га ортиқдир.

Юқорида ўтказилган ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда пекин карамини такрорий муддатларда етиштиришда 20 август экиш муддатини жорий этилиши ҳисобига олинган соф фойда бошқа экиш муддатларига қараганда 931 минг сўмга ортиқ бўлишини хулоса қилиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, кўчат қалинлиги энг юқори бўлган вариантда бажарилган харажатлар ҳам юқори бўлганлиги учун 1 т маҳсулот таннархи назорат вариантга нисбатан 193,2 минг сўмга сийрак жойлаштирилган (35,7-31,7 минг дона/га) вариантларга нисбатан эса 336-368,2 сўмга юқори бўлди. Натижада бу 70×20 см экиш схемасидан фойдаланиш иқтисодий самара бермади.

Энг юқори соф даромад 70×40 см; 70×45 см схемасида ўстирилган ўсимликлардан (8 369-9 054 минг сўм/га) олинди ва бу кўрсаткич назорат вариантыга нисбатан олинган соф фойда 4,199-4,884 минг сўмга юқори бўлганлиги аниқланди.

Демак, ўсимликлар ҳар бир гектар ҳисобига 31,7-35,7 минг дона жойлаштирилган вариантларда энг юқори соф даромад олинди ва аксинча ўсимликлар 71,4 минг дона/га қалинликда жойлаштириш иқтисодий самара бермайди.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистоннинг марказий иқлим шароити пекин карамни такрорий экин сифатида етиштиришга қулай ҳисобланади. Биз томонимиздан такрорий муддатда пекин карам етиштириш имкониятлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар, ушбу муддатда етиштиришга мос нав ва дурагайларни танлаш, энг мақбул экиш муддати ва схемасини аниқлаш имконини берди.

2. Тадқиқотларда синалган пекин карамининг Россия, Япония, Хитой, Голландия селекциясига мансуб нав ва дурагайлари орасидан Seo Jin F₁ (Хитой), Моноко F₁ (Голландия) ва Кораенге F₁ (Хитой) дурагайлари энг эрта пишарлигини (экишдан 58-72 кун ўтгач), Хибинская, Бокал навлари эса энг кечпишарлигини кўрсатди.

3. Пекин карамини Хитой дурагайлари барглар сони, ўлчами, бўйича стандарт навидан, ҳамда синовда қатнашган бошқа навлар ва дурагайлардан устун келди. Энг йирик карамбошлар Хитойнинг Seo Jin F₁ ва Jang Won F₁ (2,18-2,28 кг) дурагайларида кузатилди.

4. Энг юқори умумий ва эртаги ҳосилдорлик Seo Jin F₁ дурагайида кузатилди ва у мувофиқ равишда 93 т/га ва 25,1 т/га ни ташкил этди. Бу Хибинская навга нисбатан 57,7- 18,4 т/га ва 163,4-274,6% юқори булди.

5. Маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги барча навларни экиш самарали эканлигини кўрсатиб, эртапишар, серҳосил бўлган пекин карамининг Seo Jin F₁ дурагайидан стандартга нисбатан 33 210 минг сўм/га кўшимча фойда олинди. Рентабеллик даражаси 159% ни ташкил этди.

6. Умумий ҳосилдаги товарбоп маҳсулотни энг катта улишини Seo Jin F₁ (89,5%), Jang Won F₁ (89,2%), За Жао F₁ (88,0%), Моноко F₁ (87,8%) дурагайлари, Бокал (87,1%) нави берди ва бу стандарт Хибинская навига қараганда 0,7-5,1% га юқоридир.

7. Биринчи (1 август) муддатга нисбатан 20 августда экилган вариантларда етилган ҳосилнинг биринчи терими 5 кунга илгари бошланди. Кўчати 20 августда экилганда карам бошлари шаклланишига 56 кун, карам бош ўрашига 28 кун талаб этилса, 10 сентябр эса мувофиқ равишда 61 ва 35 кун керак бўлди.

8. Кўчатлар 1 ва 10 августда экилганда уларда 10 сентябрда экилганга нисбатан 3,3-2,0 донага ёки 12,4-7,9% га кўпроқ барглар шаклланганлиги аниқланди.

9. Энг юқори ҳосил (35,7 т/га) кўчатлар 20 августда экилган вариантда олинди, бу биринчи вариантга (1 август) нисбатан 2,3 т/га ёки 6,4% га ортик бўлди ва унда шаклланган сифатли маҳсулот миқдори 83,2% ни ташкил этди.

10. Энг юқори соф даромод 5 018 минг сўм/га ва юқори рентабеллик даражаси 31,8% 20 августдаги экиш муддатларида қайд этилди.

11. Ўсимликларни озикланиш майдонини ортиши бош ўраш ва уларни шаклланиш даврларини қисқартирди. Ўсимликларни 20 см дан 25 см гача оралиқда жойлаштирилганда биринчи терим 3-4 кунга, 30 см гача бўлганда 7 кунга ва 35 см бўлганида эса 10 кунга тезлашди.

12. Ўсимликлар қалин жойлаштирилган майдонларда барглар сони ва улар ўлчамлари қисқарди, бироқ бу ўсимликлар қалинликларини ортишига қараганда камроқ даражада содир бўлди.

13. Кўчат қалинлигини 28,6 минг дона/га дан 71,4 минг дона/га гача ортиб бориши ёки, озикланиш майдонларини 0,350 м² дан 0,140 м² гача камайиши натижасида ҳосилдорлик аста-секин ошиб борди ва ишончли даражадаги ҳосил кўшилишини таъминлади.

14. Ўсимликлар қалинлиги шартли майдон ҳисобига 71,4 минг дона/га бўлганда кўчат етиштириш ва уни экиш, нисбатан юқори бўлган ҳосилни йиғиб олиш учун амалга оширилган харажатлар, кўчатлар сийрак жойлашган майдонларга (35,7 минг дона/га) нисбатан 9,448 минг сўмга юқори бўлди.

15. Тажриба натижаларининг маълумотлари бўйича ишлаб чиқаришга тавсиялар:

- эртаги сабзавот экинлари ҳамда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий муддатларда пекин карамини экишда районлашган Хибинская навига қараганда серҳосил бўлган Seo Jin F₁, Monoko F₁ дурагайлари экиш;

- такрорий экиш муддатларида, яъни ёз ойларида республиканинг иссиқ ва қуруқ иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда пекин карамини август ойининг иккинчи декадасида экиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

- сифатли, бозорбоп маҳсулот етиштириш учун пекин карами кўчатларини 70×35-40 см схемасида ёки ҳар бир гектарга 35,7-40,8 минг дона ҳисобида жойлаштириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХУРРАМОВ УЛУГБЕК ХОЛМАМАТОВИЧ

**ПОДБОР ВЫСОКОУРОЖАЙНЫХ СОРТОВ ПЕКИНСКОЙ КАПУСТЫ
И РАЗРАБОТКА ОСНОВНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ ТЕХНОЛОГИИ
ВЫРАЩИВАНИЯ В ПОВТОРНОЙ КУЛЬТУРЕ**

06.01.06 – Овощеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.RhD/Qx282.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Асатов Шухрат Исмаатович

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Арамов Музаффар Хашимович

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Муртазаев Кобилжон Абдукодирович

кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация:

Научно-исследовательский институт овоще-бахчевых культур и картофеля.

Защита диссертации состоится «26» IX 2019 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул.Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, зал заседаний.).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 538323). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «10» IX 2019 года
(реестр протокола рассылки номер 4 от «15» VIII 2019 года)

**Б.А.Сулаймонов**
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
академик

Я.Х.Юлдашов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
к.с.х.н., доцент

М.М.Адилов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы во многих странах мира уделяется большое внимание выращиванию пекинской капусты. Из года в год увеличивается выращивание и экспорт данной культуры. Общая площадь выращивания пекинской капусты в мире составляет 4,1 млн. гектара, средняя урожайность 47,2 тонны, в том числе валовая продукция составляет 193,0 млн. тонн. В настоящее время основными производителями пекинской капусты являются Китай (2,2 млн/га), Индия (511,6 тыс/га), и Российская Федерация (171,7 тыс/га).¹ Одной из актуальных задач на сегодняшний день является выращивание пекинской капусты в качестве повторной культуры с использованием эффективных агротехнологий, в результате чего достигается повышение урожайности и валовой продукции.

На сегодняшний день ученые научно-исследовательских центров в ряде стран мира проводят исследования по изучению, а также созданию новых сортов пекинской капусты (*Brassica rapa subsp. pekinensis* Litzg.). Созданные сорта пекинской капусты в этих странах широко применяются в массовом производстве овощной продукции. Ученые зарубежных стран проводят исследования по созданию высокоурожайных, устойчивых к неблагоприятным погодным условиям различным болезням, вредителям, скороспелых сортов пригодных к посеву в различные периоды вегетации. В этих странах пекинская капуста была интродуцирована и созданы новые, приспособленные к местным условиям сорта, внедрены технологии выращивания и обеспечивается высокая экономическая эффективность возделывания в повторной культуре.

За последние годы в нашей республике был проведен ряд мер по обеспечению продовольственной безопасности, наиболее полного удовлетворения потребностей населения в продукции и расширению ассортимента овощных культур. В результате этого в последние годы были достигнуты хорошие результаты по введению в культуру новых нетрадиционных овощных культур. Однако, недостаточное внимание уделено научным исследованиям по технологии выращивания и подбору наиболее урожайных сортов и гибридов такой нетрадиционной культуры, как пекинская капуста. Одной из важнейших задач Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 г.г., предусмотрена «... оптимизация посевных площадей и состава посевов, внедрение передовых агротехнологий и повышение урожайности, увеличение выращивания плодовоовощных культур и винограда».² В связи с недостаточностью фундаментальных научных исследований по выращиванию пекинской капусты в Узбекистане, а также отсутствием рекомендаций в данном направлении она сейчас

¹ <http://fao.ru>

² Указ Президента Республики Узбекистан №ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

выращивается лишь на небольших площадях. Исходя из этого, изучение питательных и лечебных свойств данной культуры, разработка основных элементов технологии её выращивания, подбор урожайных сортов и гибридов, наиболее приспособленных к почвенно-климатическим условиям нашей республики, популяризация пекинской капусты среди фермерских хозяйств и населения является одной из наиболее актуальных направлений овощеводческой отрасли.

Результаты проведённых научных исследований в определенной степени служат реализации задач, указанных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП - 3027 от 1 июня 2017 года «О мерах по размещению повторных культур на высвобождаемых площадях от зерновых-колосовых культур и своевременному обеспечению требуемых материально-технических ресурсов для посева в 2017 году»; Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП - 3230 от 21 августа 2017 года «О мерах по своевременной поставке материально-технических ресурсов, требующихся для посева и размещения августовского лука и чеснока, а также овощных культур по методу туксонбостидля урожая 2018 года», в Постановлении Кабинета Министров № 259 от 29 марта 2019 года «О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозных объёмах производства продукции под урожай 2019 года» и в других нормативных документах.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

